# ОТАДАЙ МЕҲРИБОН

Яхши одам ҳақида ёзиш ҳузур бағишлайди, қалбларда қувонч уйғотади. Мен 70 баҳорни кўрган дўстим ва қадрдоним Азиз Пўлатович Қаюмов тўғрисида дил сўзларимни изҳор этмоқчиман.

Азиз Қаюмовни ярим асрдан бери биламан. Бу даврда унинг ҳаёти, фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқдим, ёзган асарларини обдан мутолаа қилдим. Бу йилларда дўстимизнинг катта олимлиги, яхши ташкилотчи раҳбарлиги, билимдон, меҳрибон илмий устозлиги, олижаноб инсонлиги яққол намоён бўлди.

Азиз Қаюмов Тошкент Давлат университетининг Шарқ факултетининг биринчи курс студенти (1944 йил)лигидан Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги (1995)гача бўлган шонли, порлоқ йўлни босиб ўтди. Бу даврда у адабиётшунослик илмига жуда катта ютуқлар олиб кирди, ундаги кўп кемтик, бўш ўринларини пухта илмий тадқиқотлар билан тўлдирди. Ҳозирги кунда адабиётшунослик фанини Азиз Қаюмовсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Нодираю Увайсий, Ғозию Ҳозиқ, Аҳмад Фарғонию Заҳириддин Бобур, Фурқату Муқимий ва Баҳоуддин Нақшбанду Жомийлар устида гап кетганда, улар ҳақида жиддий тадқиқотлар яратиб қўйган Азиз Қаюмов биринчи навбатда кўз олдимизга келади.

Олимнинг ижодий фаолиятида айниқса XVIII ва XIX асрлардаги Қўқон адабиётини ўрганиш ва тадқиқ этиш соҳасидаги монографияси ҳамда ғазал султони Алишер Навоийга бағишланган китоблари алоҳида таҳсинга сазовор.

У «Қўқон адабий муҳити» (1961 йил) тадқиқотида адабий ҳаракатнинг марказларидан бирига айланган шаҳарда жуда катта, талантли ижодий кучлар йиғилганлиги, шоирларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, миллий ўзбек мумтоз адабиётига олиб кирган бадиий дурдоналари ҳақида кенг фикр юритилади.

Азиз Қаюмов биринчи бўлиб, бешта достон ҳақида бешта китоб ёзиб, илмда ўзига хос «Хамса» яратган десак хато бўлмас.

Булардан ташқари улуғ алломанинг бутун ижодини ва жўшқин ҳаётини кенг қамраб олган «Алишер Навоий» монографиясини ҳам яратиб, навоийшуносликка катта ҳисса қўшган.

Азиз Қаюмов билан мулоқотда бўлсангиз, турмуш ва фаннинг турли соҳалари бўйича баҳсга киришсангиз, у ғазал султонининг асарларидан катта ва кичик парчаларни завқ билан келтириб, гапларининг мазмунини бойитади, мулоҳазаларининг ҳаққонийлигини исботлайди, муноазарани ўзининг фойдасига ҳал қилади. Бунда ҳам олимнинг буюк шахсга бўлган муҳаббати барқ уриб туради.

Азиз Қаюмов кенг қамровли олим. У адабиётнинг ўн асрлик бутун тарихини, янги давр бадиият оламини, ундаги барча қаламкашларнинг ижодини жуда яхши билади. У ўз мутахассислигидан ташқари фаннинг кўп соҳаларининг ҳам билимдонидир.

Қайси бир даврни, қайси бир шоир ёки ёзувчини сўраманг, у сизга батафсил маълумот беради.

Унинг Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийга бағишланган китобларини ўқисангиз, гапларимнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишингизга аминман.

Хўш, олимимиз илмий ижодининг ўзига хос хусусиятлари нимада? Биринчидан, у ҳамма биладиган, бошқалар айтиб кетган масалаларни, фикр ва мулоҳазаларни қайтармасдан, адабиётшуносликка янги гапни, янги муаммони олиб кирди. Иккинчидан, тадқиқотлари кенг қамрови, илмий пухталиги билан ажралиб туради. Учинчидан эса, даврни, қаламкашнинг ижодини ҳаққоний ёритади. Баъзи олимларимиз замонасозлик қиламиз деб, ижодкорларнинг қулоғидан тортиб, давр мезонларига мослаштириб изоҳлаганлар. Жамият талаблари ўзгариши биланоқ, ўша шоир ва ўша асарни бошқача талқин қилишга ўтиб оладилар. Яна замон қандай вазифалар қўйиши мумкинлигини кутиб, қаламларини чархлаб турадилар. Азиз Қаюмов тадқиқотларининг қиммати ва аҳамияти шундаки, уларга қатъий асос қилиб шоирларнинг ҳаққоний ҳаёти ва улар ижодининг барқарор омиллари олинган. Шу сабабдан ҳам олимнинг бундан ўттиз-қирқ йил олдин яратган китоблари ҳозирги кунда ҳам аҳамияти ва қимматини йўқотмаган. Агарда муаллиф уларни қайта ишлаган бўлса, бу вазифани китобларини кенгайтириш, тўлдириш, бойитиш мақсадида бажарган.

Ҳаёт, мустақиллик даври Азиз Қаюмовнинг фандаги илмий принсиплари, ижодий позитсияси тўғрилигини кўрсатди.

Азиз Қаюмов 1954 йилда филология фанлари номзоди, 1961 йилда эса фан доктори илмий даражасини олди. У Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофотининг совриндори, қўш-қўш орденлар, медаллар, фахрий ёрлиқлар олиши ҳам ўша ижодий меҳнат, кунни тунга улаб, машаққатли илмий изланишларнинг самараси сифатида юз беради.

Ёш илмий кадрларни тайёрлаш ва уларни фанда вояга етказишда Азиз Қаюмовнинг хизматларини мамнуният билан тилга оламиз.

Азиз Қаюмов шогирдларига отадан ҳам афзал устоз. Устоз уларни фанда тезда парвоз қилишлари учун барча имкониятларини туғдиради. Уларга ҳар қадамда илмий ёрдамини бериб боради. Ҳозирда мамлакатимизнинг қайси бурчагига борманг, улар лаббай деб, олдингиздан чиқиб келадилар. У фақат ўз китоблари билангина эмас, балки шогирдлари билан ҳам ном чиқарди.

Азиз Қаюмов қайси лавозимни эгалламасин, ишнинг кўзини билиб бошқаради. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг директори (1958-1961 йиллар) бўлиб ишлаганда илмий жамоатчиликнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлди. Бунга у парокандаликка учраб бораётган фан даргоҳининг қаддини кўтариш, илмий ходимларнинг бошини қовуштириш, кадрларнинг ўсишини таъминлаш, қисқа қилиб айтсак, жамоада соғлом иқлим туғдириш туфайли эришди.

Азиз Қаюмов 1961-1963 йилларда собиқ Марказкомнинг фан



ва маданият бўлимида мудир бўлиб ишлади. Олим имконияти борича фан ва маданият соҳасининг ҳар бир тармоғида адолат ва ҳаққонийлик билан иш юритишни, кадрларга меҳр-оқибат кўрсатишни талаб қилди ва иложи борича амалга оширди. Шу олижаноб принсипларини маданият вазири ва биринчи ўринбосари (1963-1964 йиллар), айниқса Ўзбекистон Кинематография давлат қўмитасига раис (1964-1974) йиллар давомида яққол кўрсатди. Қийин даврларда Азиз Қаюмов раҳбарлигида ўнлаб-йигирмалаб бадиий филмлар яратилди, баъзилари эса пухта асарлар бўлиб, жаҳон экранларини айланиб чиқди.

Республика раҳбарияти ишчан ташкилотчини оғир участкаларга ташлади, йўқ нарсани бор қилиш ёки тиклаш, ривожлантириш учун ундан самарали фойдаланишди. Марказий Осиёда биринчи маданият институти ташкил қилиш лозим бўлганда, раҳбарларнинг кўзи яна Азиз Қаюмовга тушди. У 1974–1979 йиллар давомида ректор бўлиб ишлаб, катта бир маданият ўчоғини барпо қилишга, оёққа турғазишга, маданият соҳасида кўплаб кадрлар тайёрлашга йўл очишига бош-қош бўлди. Биринчи бўлиб йўл очиш жуда қийин ва мураккаб иш.

Ташаббускор олимимиз Ҳамид Сулаймоновнинг не-не машаққатлар билан, кечаю кундуз меҳнат қилиб тер тўкиши билан пайдо бўлган қўлёзмалар институтига жуда билимдон раҳбар керак эди. Бундай раҳбар Азиз Қаюмов деб топилди. Мана ўн етти йилдирки, бу фан даргоҳида белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ҳамда Миллий тикланиш демократик партиясининг раҳбари сифатида жамоат ишларида фаол қатнашиб, мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда улкан ҳиссасини қўшиб бормоқда.

Хўш, унинг йилдан-йилга, даврдан-даврга обрўйини оширган сир нимада? Бу сир унинг иш услубида. Хўш, бу қандай услуб? Услубининг туб моҳияти инсонларга яхшилик қилиш, оғирини енгиллатиш, дардига малҳам бўлиш, мушкулини осон қилиш, кўнглини олиш.

Азиз Қаюмов қаерга бормасин, қаерда ишламасин, ўша ерда муҳитни соғломлаштиришга, жамоани меҳнатга, ижодга йўналтиришга астойдил ҳаракат қилди. Жонбозлик билан ишлаган, ўз касбини севган, ваъдаларини устидан чиққан ходимларнинг бошини силади, руҳлантирди, дангасароқ, вазифаларига масъулиятсизроқ қараган, лоқайд кишиларнинг эса кўнглига йўл топиб, уларни ишга сола билди.

Унинг раҳбарлик услубининг хусусияти шундаки, кимдир унга ёмонлик қилса ёки ўринсиз танқид остига олса, у ўша одамдан ўч оламан деб болтасини кўтариб юрмас эди. Аксинча, унга иложи борича мурувват кўрсатиб, катта ижодий меҳнат қилиб уни уялтириб қўярди.

Азиз Қаюмов оғир вазиятга тушиб қолганда ҳам, унга ёки адолатли бир ходимга маломат тошлари отилганда ҳам ўзининг муносиб мувозанатидан чиқиб кетмасди, овозини кўтариб гапирмас эди. Бундай шароитларда у ҳар бир нарсани мантиқ кучи билан, босиқлик билан асосларди, ҳақиқатни рўёбга чиқишига эришарди.

Унинг ҳақгўйлиги баъзан ўзига катта зарар етказган ҳоллари ҳам учраган. Фақат икки мисол келтириш билан кифояланамиз. Йирик археолог-олим Яҳё Ғуломов юқори ташкилотга хат ёзиб, тарихий ёдгорликларга аҳамият берилмаётганлиги, айримлари нураб, бузилиб кетаётганлиги ҳақида рост гапларни айтган эди. Бу хат муҳокама қилиниб, шикоятчига жуда қаттиқ танбеҳ берилади. Кўпчиликнинг ичида ҳақиқатни ҳимоя қилиб, калтак еган бирдан-бир шахс Азиз Қаюмовдир.

Маълумки, атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» («Сўнгги нусхалар») комедиясига партия матбуотида ўта салбий тақриз босилиб чиқади. Бу асар муҳокама бўлганда дадил туриб ҳимоя қилганлардан бири ҳам ҳурматли олимимиз бўлади. Бу ҳимоя ҳам унга қимматга тушди. Бунга қарамасдан у устозлари ўргатгандай «Гар келса қилич бошимга, айтарман ростин» қабилида амалий иш қилди.

Азиз Қаюмовнинг бундай фазилатлари эгаси бўлишида олган тарбиясининг роли шубҳасиздир. У биринчи навбатда отаси Пўлатжон домладан сабоқ олган. У киши жуда мулла бўлганлар, мумтоз адабиётни сув қилиб ичиб юборганлар. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлганликлари ҳам бежиз эмас. Юзлаб, минглаб болаларга илм бериб тарбиялаганлар. Буларнинг биринчи қаторида икки фарзандлари — Азиз ва Лазиз Қаюмовлар турган.

Олимимизнинг иккинчи тарбиячиси — йирик давлат арбоби Усмон Юсупов эди.

Усмон Юсупов Қўқонда бўлганида Фазлиддин Қори ижросида «Уйнар» ашуласини эшитади ва унинг муаллифи билан қизиқиб қолади. Унинг муаллифи эса мактаб ўқувчиси Азиз Қаюмов эканлигини эшитиб, уни чақириб суҳбатлашади. Талабадан нима ниятинг бор, деб сўраганларида — «ўқиш» деб жавоб беради. Усмон Юсупов уни Тошкентга кўчириб келиб, ўз хонадонида олиб туриб ўқишига барча имкониятлар туғдиради. Бу йирик арбобнинг ҳаёт тарзи ёш студент учун жуда катта мактаб бўлди. Ундаги яхши фазилатларни ўрганишга, ўзлаштиришга жон-дили билан ҳаракат қилди. Ҳалоллик, поклик, камтарлик, садоқатлик, меҳрибонлик сифатлари Азиз Қаюмовга отадан ўтиб, Усмон Юсупов фаолияти ва тарбияси билан қатъийлашди, буюк зот Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидан руҳланиш ва қаҳрамонларидан ибрат олиш билан бойиди.

Азиз Қаюмовнинг олижаноб инсоний фазилатларини тасдиқловчи жуда кўп фактларни келтириш мумкин. Қайси бир олим ёки илмий ходим ёки уни билган зиёли билан сўзлашманг, улар оғзини тўлдириб, олимимиз ҳақида завқ-шавқ билан гапирадилар. Биз жуда кўп мисоллардан фақат иккитасини келтирамиз. Ўзбекистон Фанлар академиясига сайлов арафасида мумтоз адабиёт мутахассислиги бўйича мухбир аъзоликка бир ўринга икки номзод — Азиз Қаюмов ва Ботир Валихўжаевлар кўрсатилган. Муҳокама вақтида тарихимизда кўрилмаган ажойиб ҳодиса юз берди. Азиз Қаюмов минбарга чиқиб, рақибини кўкларга кўтариб роса мақтади ва уни сайлаш лозим деб оёғини тираб туриб олди. Илгари ҳамиша номзодлар ўз рақибларини қандай йўллар билан бўлса ҳам камситишга, уларнинг «нуқсонлари»ни топиб қоралашга ёки шогирдларини ишга солиб, уларнинг оёғидан тортишга ҳаракат қилинарди. Энг инсофлилари эса бетараф бўлиб тураверардилар. Азиз Қаюмовнинг бу иши ҳаммани ҳайратга солди. Унинг олижаноблиги, юксак инсонийлиги шунда ҳам намоён бўлди.

Иккинчи мисол Азиз Қаюмовнинг шогирди Тамила Ғафуржонова билан боғлиқ. Бу шогирд номзодлик диссертатсиясини ёқлаётганда устозини сенга шунчалик ёрдам бериб, сени вояга етказса-ю сен унга тош отасанми? — десак, у домламнинг ўзи танқид қилгин, деб буюрдилар деб қолди-ку! Мана сизга инсонийлик ва ўзига зарар бўлса ҳам, ҳақиқатни тан олиш.

Азиз Қаюмовнинг кундан-кунга, йилдан-йилга обрўйининг ошиб бориши, халқ ўртасида машҳур бўлиб кетишининг сабаблари мана шунда. Йирик олим, одил ташкилотчи, жонкуяр илмий раҳбар, дили пок, иймони бақувват устоз, истеъдодли нотиқ, олижаноб, камтар шахс Азиз Қаюмов билан бирга ишлаш, у билан мулоқотда бўлиб, суҳбатини олиш роҳат бағишлайди инсонга.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
профессор

*Устоз Азиз Қаюмов етмишни қоралаб қўйдилар. Эл-юрт муҳаббати билан яшаб ижод этган инсон умрини азим дарёга қиёс қиладилар. Ростдан ҳам, одамнинг азим дарё каби умр бўстонларини сероб қилиб ўтмоғи не бахт!*

*устознинг таваллуд куни арафасида кўрган-кечирганларидан бир шингил ҳикоя қилиб беришларини сўрадик. Устоз мамнуният билан рози бўлдилар ва кундалик дафтарларидаги қайдлардан ажиб лавҳалар тақдим этдилар.*

*Табаррук ёшингиз қутлуғ бўлсин!*

АЗИЗ ҚАЮМОВ

# ВАТАНИМ ГАРДИ ТЎТИЁ КЎРИНУР...

(УСТОЗЛАРДАН ЭШИТГАНЛАРИМ АЙРИМ ЛАВҲАЛАР)

Усмон ота Юсупов дер эдилар:

Киши учун энг азиз ва мўътабар нарса ватан тупроғидир. Бир ҳовуч она ер тупроғини кўзига суртадиган ватанпарвар ҳақиқий инсон бўлади.

Устоз шоир Чархий эса худди шу фикрни назм либосида кўрсатганлар:

Кўзимга ҳур ватаним гарди
тўтиё кўринур
Анинг муҳаббати ҳар бир кўнгилда жо кўринур.

Усмон ота Юсупов деган эдилар:

Агар сен чин фидойилик билан ўз халқинг учун хизмат қилсанг, миннатдор халқ сени ўз фарзандим деб атайди. Ҳақиқий инсон учун бундан ортиқ мукофот ва шараф бўлмоғи мумкин эмас!

* * *

Академик, шоир Ғафур Ғулом ҳикоя қилиб эдилар:

Бир куни бу киши Тошкентдан Қўқонга автомобилда сафарга чиққанлар. У вақтда Сирдарё кўприги йўқ эди. Қўқон томонга паром орқали ўтилардй. Паром нариги соҳилда экан. Бир соатдан ортиқроқ кутмоқ керак. Ғафур Ғулом ўйланиб турганларида бир йигит келиб у киши билан саломлашган ва деган:

— Ғафур ака, ош қилган эдик, дам-товоқ кўтарилди. Марҳамат қилиб биз билан шу ошдан тановул қилсангиз.

Шоир мамнуният билан розилик берган. Боғда дастурхон атрофида ҳам ошхўрлик, ҳам хуш суҳбат бўлган. Шундан кейин паром ҳам етиб келган. Йигитлар меҳмонни ҳурмат билан кузатиб қўйганлар.

Ғафур Ғулом домулла бу ҳикоядан хулоса қилиб дедилар:

— Кишилар ҳар кимга ҳам ўз ошини егизавермайди. Фақат ҳурмат қилган кишисинигина ошга таклиф этади. Элнинг бундай ҳурматини қадрламоқ керак.

Ғафур Ғулом ўз халқини жону дилдан севган, ҳозирги таъбирга кўра элим, юртим деб куйиб ёниб яшайдиган бир зот эдилар. Шунинг учун Ўзбекистон халқи бу кишини жону дилдан севган. Бу аён ҳақиқатдир.

Бу аҳволни шарҳ этиб устоз Ғафур Ғулом деганлар:

— Менинг ўз халқимга бўлган муҳаббатим менга халқимнинг муҳаббати бўлиб қайтди.

* * *

Академик, шоир, ёзувчи Ойбек домулланинг 50 ёшга тўлганлари 1955 йилда Тошкентда кундузи Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мажлислар залида, кечқурун эса Навоий номидаги опера ва балет театри биносида нишонланди. Домулла ў вақтда бир оз бетоб бўлиб сўзлашга қийналар эдилар.

Фанлар Академиясидаги йиғилишда табриклардан сўнг Ойбекнинг жавоб сўзини Солиҳ Қосимов ўқиб бердилар. Бу нутқ Ойбекнинг қуйидаги сўзлари билан тугалланар эди. «Мен ўз куч ва қобилиятимни бутун ҳаётим давомида мен учун бениҳоя севикли бўлган ўзбек халқимга бағишладим. Шу билан чексиз бахтиёрман».

* * *

1956-57 йиллар. Мен ЎзФА Шарқшунослик институтида ишлар эдим. Ўша вақтда институт директори Собоҳат Азимжонова иккимиз Бобур шеърларини нашрга тайёрламоқда эдик.

Бир куни ишдан қайтаётганда трамвайда Ойбек домуллани учратиб қолдим. Дарҳол салом бердим, сўнг икковимиз сўзлашиб кетдик. Домулла ҳозир қандай иш билан банд эканимни сўрадилар. Мен Бобур шеърларини нашрга тайёрлаётганимизни айтдим. Бобур номини эшитгач, Ойбек домулланинг кўзлари яшнаб, чеҳраларида ажиб бир чароғонлик пайдо бўлди. Вужудларини кучли ҳаяжон қоплади. Домулла тўлқинланиб дедилар:

— О, жуда яхши, жуда яхши. Зўр, жуда зўр шоир. Ишланг, чиқади.

Бобур шеърлари 1958 йили Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриётида босилиб чиқди ва ўша йили Андижонда Бобур туғилганига 475 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган тантаналарда жамоатчиликка тақдим этилди.

* * *

1968 йили сентябрь ойида Болгариянинг Варна шаҳарида ҳар йили ўтказиладиган миллий кинофестивалда меҳмон бўлган эдим (мен у вақтларда Ўзбекистон кинематография давлат комитетида ишлар эдим). Сафоли куз эртаси. Қора денгиз соҳилидаги санаторийлардан бирида айвонда машҳур шоир Расул Ҳамзатов иккимиз суҳбат қуриб ўлтирар эдик. Кейин москвалик икки меҳмон ҳам келиб бизга қўшилди. Суҳбат секин-аста гўзаллик, аёл латофати, уларнинг бадиий тасвири мавзуига кўчди. Хонаси келиб қолгани туфайли мен суҳбатдошларга Бобурнинг маснавийларидан бир байтни ўқиб бердим:

Ўпсам аёғин қўйиб юзимни
Суртиб анга дам-бадам кўзимни.

Сўнг бу байт мазмунини қўлимдан келганича рус тилига таржима қилдим.

Шу вақт бирдан бир нарса қаттиқ қарсиллаб кетди. Расул Ҳамзатов сакраб ўрнидан туриб шовқинли овоз билан гапира бошлади. Мен бу кутилмаган шовқин-сурондан ҳайратда қолдим. Бирор кутилмаган кор-ҳол бўлдими деб хавотирга тушдим. Хайрият, ундай эмас экан.

Шоир Расул Ҳамзатов ҳалиги байтнинг мазмунини билгач, икки қўли билан столни қарс этиб уриб ўрнидан туриб кетган эди. У ҳаяжон билан дер эди:

— Мана ҳақиқий шеър, мана гўзаллик, мана том маънодаги шеърият! Оҳ, сиз ўзбекларда қанчалар буюк назм яратилган эди...

Шундай қилиб бутун вужуди шеър, адабиёт эҳтироси билан йўғрилган икки буюк ижодкор — Ойбек домулла ва шоир Расул Ҳамзатовнинг Бобур шеъриятига қанчалар тўлқинли ёндашганларининг шоҳиди бўлганман. Шунинг учун ҳам янги авлодга бу лавҳаларни ҳикоя қилмоқни лозим топдим.

# ЭРОН ТААССУРОТИ

Давоми. Боши ўтган сонда

Эронликлар қадимдан ўта хушмуомала, меҳмондўст, нозик таъб ва нотиқ ҳисобланадилар. Мазкур фазилатлар бугун ҳам боқий эканлигини ўз сафарим чоғида кўрдим. Бу энг аввало Тошкент — Теҳрон йўналишида учиб бораётган самолётда хушбичим кийинган ёш йигит ва қизларнинг (стюарт ва стюардесалар) хизмат кўрсатиш тарзлари ва муомалаларида кўзга ташланди. Теҳрон аэропорти ҳам ниҳоятда чиройли ва озода, иш тартиби ҳам юқори даражада, ортиқча асаб бузарликларга ўрин йўқ. Аэропортдан чиқишимиз билан электр нурлари билан чарақлаётган ва ўн минглаб автомашиналар ҳаракат қилаётган файзли шаҳар кўзга ташланди. Бизни самимона қарши олган ниҳоятда камтарин ва хушмуомала Араб исмли ёш олим йўл-йўлакай шаҳарни таништириб борди. Бизда айниқса «Озодлик» монументи ва майдони катта таассурот қолдирди.

XVI асрдан бошлаб Эронда ислом динидаги шиа мазхаби давлат даражасидаги расмий дин сифатида расмилаштирилган. Эрон аҳолисининг аксар қисми шу мазхабга эътиқод қилади. Шиаликнинг асосий мазмуни шундан иборатки, унга кўра Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларигина Муҳаммад пайғамбарнинг ягона қонуний ворислари ва маънавий давомчилари бўлишлари мумкин.

* * *

1979 йили Эрон Ислом Республикасига асос солинди. Ҳозирда мамлакат аҳолисининг умумий сони 60 млн. кишидан ошиб, унинг тахминан 46 фойизи форслар, 17 фойизи туркий тилли аҳоли, қолганлари курдлар, араблар ҳамда бошқа миллатлардан иборатдир. 1792 йилдан эътиборан Теҳрон Эрон пойтахти ҳисобланади. Бу шаҳарда ўрта ҳисобда 10 млн. аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарнинг кўчалари обод, кўплаб майдон ва истироҳат боғлари мавжуд. Шунингдек, ўрта ва олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот марказлари, маданий, санъат муассасалари, маиший хизмат тармоқлари ҳам кўп. Қатор осмонўпар биноларни ҳам кўриш мумкин. Гиламчилик, қиматбаҳо тошлар, археология, антропология, ойначилик, сополчилик, табиат тарихи, миллий сарой каби йигирмага яқин музейлар фаолият кўрсатмоқда. Музейлар турли ноёб намуналарга бой.

Сафаримиз илмий бўлгани учун ҳам табиий равишда биринчи кунiёқ эронлик ҳамкасбларимиз билан учрашдик. Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё ва кавказни ўрганиш илмий-тадқиқот марказида ўнга яқин эронлик йирик ҳамкасбларимиз билан учрашдик. Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг марказий Осиё ва кавказни ўрганиш илмий-тадқиқот марказида ўнга яқин эронлик йирик олимлар билан Туркистон ва Эрон халқларининг ўтмиш ва ҳозирги замон тарихи бўйича қизғин суҳбат қурилди. Чунончи, суҳбат давомида тарих фанининг бош манбаи қўлёзмалар устида тўхталиб ўтилди, Эронда бизнинг тарихимизга оид кўплаб нодир асарлар борлиги маълум бўлди. Кейинги куни тадбиримиз янада катталашди. Шу куни ташкил қилинган катта йиғилишда эронлик олимлар ва мутахассислар учун ўзбекистон тарихи бўйича маъруза қилиб бердик. Кўплаб саволлар бўлди. Уларнинг барчасига баҳоли қудрат жавоб берилди. Теҳронда бўлиб ўтган мазкур илмий мулоқотлар, фикр алмашишлар, йиғилишлар шуни кўрсатдики, эронликларнинг юртимизга нисбатан қизиқиши ва ҳурмати ниҳоятда катта. Улар ҳар икки мамлакат ўртасидаги тарихан шаклланган дўстона алоқаларни ёритиб бориш, оммалаштириш ва илмий ҳамкорликни кучайтириш алоқаларни ёритиб бориш, оммалаштириш ва илмий ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидладилар. Мен яна шунинг гувоҳи бўлдимки, эронликлар учун Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиб, истиқлол йўлидан бориши катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунончи, суҳбат чоғида ҳам, йиғилишда ҳам Ўзбекистоннинг мустақилликка қандай эришгани ва бунда Ислом Каримовнинг жасорати ва донолиги катта рўл ўйнагани, Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб озодликка чиққани ва қўшни республикаларни ҳам шу йўлдан боришга даъват этганини сўзлаганимда йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

* * *

Сафарнинг учинчи куни XVI аср машҳур шоири Фузулийнинг 500 йиллик тўйига бағишланган тантанали йиғилишда қатнашдим. Унда Эроннинг давлат арбоблари, олимлари, дин пешволари, жамиятнинг бошқа тоифа вакиллари ҳамда Озарбойжон, Туркманистон, Туркия, Тожикистон ва бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳозир бўлдилар. Йиғилишга яхши тайёргарлик кўрилган бўлиб қизиқарли ва сермазмун ўтди. Камина ҳам минбарга чиқиб шундай сўзларни айтдим: «Ассалому алайкум, азизлар! Мен Сизларга Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Бухорий, Улуғбек ва Навоий ватанидан саломлар келтирдим. Биз 130 йил қарамликда, мулксизлик ва динсизликда яшадик. Ниҳоят Президент Ислом Каримов бошчилигида Ўзбекистон мустақиллиги тикланди. Бу Марказий Осиёдаги бошқа республикаларни мустақилликка чорлаган биринчи чақириқ ҳисобланди. Мустақиллик шарофати билан Туркистон Эрон билан қадимги алоқаларини тиклади. Узоқ даврларданоқ бизда Фирдавсий, Саъдий, Хофиз Шерозий каби буюк шоиру фузалоларни қадрлаб келганлар. Агар Фузулий ҳақида сўз юритсак, ул зот мамлакатимиз ва халқимиз ичида шунчалар оммалашиб кетганки, агар Фузулийнинг ҳам ватани Ўзбекистондан саломлар келтирдим десам, муболаға бўлмайди. Мен 1943 йил 20 ёшимда иккинчи жаҳон уруши жабҳасида эдим. Кейинчалик таниқли ўзбек шоири бўлиб етишган дўстим ва қуролдошим Зоҳиджон Обидов бизларга Фузулий шеърларидан ўқиб бергани ҳали-ҳали ёдимда. Улуғ шоирнинг сўзларини эшитиб ниҳоятда оғир шароитда бўлишимизга қарамай руҳимиз кўтарилар, келажакка умид кўзлари билан қарардик. Хуллас, Фузулий шеърияти шу қадар таъсирчанки, у еру осмонни, дарё ва океанларни, Россия ўрмонларини қоплаган. Шубҳасиз унинг шеърияти кишилар қалбида абадул абад яшайверади». Камтарин бу чиқишим боис танаффус пайтида кўплар олдимга келиб қўлларимни қаттиқ қисиб ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

* * *

Тўртинчи куни эрта билан машинада Қум ва Исфахон шаҳарлари томон йўлга чиқдик. Чамаси икки саотлардан сўнг Қум шаҳрига етиб бордик. Бу ерда ҳам файзли кўчаларда икки томонда кўплаб дўконлар саф тортган, уларда турли-туман маҳсулотлар савдоси қизғин. Шаҳарда Оятулло Маръаший Нажафий томонидан таъсис этилган эллик минг номдаги асарларни ўзига жо этган қўлёзмалардан иборат кутубхона бор Диққатга сзовори шуки, турли соҳалар ва турли халқлар тарихи, маданиятига алоқадор нодир қўлёзмаларни сақлаш, таъмирлаш, ўрганишда ҳукумат алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётган экан. Барча ишлар замонавий техника асосида йўлга қўйилган. Қум кутубхонаси дунёдаги энг бой қўлёзма хазиналаридан биридир. Бу кутубхона, хусусан, унинг асосчиси Оятулло Маръаший Нажафий номи билан боғлиқ яна бир маълумотни келтирмоқчиман. Илм ва маърифатга бутун умрини бағишлаб, қўлёзма асарларига тамом меҳрини берган Оятулло ўлими олдидан жасадини кутубхона кираверишига дафн этишни васият қилиб, илм излаб келганлар тафтидан баҳраманд бўлиб этаман деган экан. Унинг васияти бажо келтирилиб, вафотидан сўнг кутубхонага кираверишда, даҳлизга кўмганлар. Ҳар бир келган киши албата ул заҳматкаш зотни зиёрат қилмай кетмайди. Эндиликда эса кутубхона ишига у кишининг азиз фарзандлари доктор Саййид Маҳмуд Маръаший бошчилик қилмоқдалар. Кенг билимлар эгаси, олижаноб инсон жаноб доктор билан ҳам самимий суҳбат қурдик.

* * *

Исфахон омон йўл даштликдан ўтар экан. Шаҳарга яқинлашиб борилган сайин мадраса, масжид, минораларнинг виқори кўзга ташланиб бораверади. Исфахон бир вақтлар Эроннинг пойтахти бўлган. Шунинг учун ҳам қайси кўчага борманг, жозибадор тарихий обидалар билан савдо муассасаларининг бир-бирига уланиб кетганлигининг гувоҳи бўласиз. Тарих музейини эслатадиган бу шаҳарга ҳар йили ўн минглаб саёҳатчилар зиёратга келаркан. Шаҳар меъморчилигида замонавий услублар ҳам нозик дид билан уйғунлашиб кетган. Биз тўхтаган «Шоҳ Аббос» меҳмонхонаси бу борадаги фикримизнинг далили бўла олади. Исфахон жоме масжиди бир неча меъморчилик обидаларидан иборат комплексдир. Кираверишдаги чап томонда жойлашган супа X асрга, усти ёпиқ қирқ устунли ўтиш жойи XIV асрга, салжуқий ҳукмдор Маликшоҳнинг машҳур вазири, «Сиёсатнома» муаллифи Низомулмулук қурдирган масжид XI асрга, унинг икки томонидаги қирқ устун XII аср бошларига, яна шу йўналишда қад кўтарган бошқа бир қирқ устун XVII асрга тўғри келади. Бошқа юз йилликларда ҳам қўшимча равишда қурилган иморатлар бор.

Исфахоннинг диққатга сазовор томонларидан яна бири бу Нақши жаҳон майдонидир. Сафавиилар сулоласи (1501—1732) Эрон тахтини эгаллаб Исфахон пойтахтга айлангунга қадар бу ер Боғи нақши жаҳон номи-ила машҳур бўлган. Унинг атрофига Аббосий жоме масжиди, Шайх Лутфуллоҳ масжиди, олий даражада ишланган дарвозахона (қопу), Қайсарийа арки бино этилади. Сафавийлар даврида бу майдонда човгон ўйини, ҳарбий намойиш ва бошқа тадбирлар ўтказилган, масалан, байрам маросимлари. Човгон ўйини учун мўлжалланган тошдан ишланган икки дарвоза сақланиб турибди.

Сафавийлардан Шоҳ Аббос I (1587—1629) замонида Исфахонда кўплаб меъморчилик обидалари яратилганини эслатиб ўтмоқчимиз. Шулардан бири — Қирқ устун боғи. Боғдаги ойнаванд сарой деворларига ажойиб услубда расмлар чизилган, уларда муайян тарихий воқеалар ўз аксини топган. Расимлардан бирида Шоҳ аббос I саройида ўзбек хоналаридан Валимуҳаммадхонни қабул қилиш маросими мужассамлашган. Тарихий манбалардан биламизки, Валимуҳаммадхон жиянлари Имомқули ва Надрмуҳаммадлар билан тахт талашиш натижасида олий ҳукмдорликдан маҳрум бўлиб, 1611 йили сафавийлар ҳузурига кетишга мажбур бўлган. Тақдир тақозоси билан Надрмуҳаммад (1642—1645) ҳам хонлик тахтидан маҳрум бўлиб, Исфахонга боради. Уни ҳам энди Шоҳ Аббос II дабдаба билан қабул қилади. Шу воқеа ҳам деворлардан бирида ўз аксини топган. Деворларда бизнинг ўтмишимизга боғлиқ яна икки расм бор. Бири — Муҳамад Шайбонийхон ва Шоҳ Исмоил ўртасида 1510 йили Марв атрофида юз берган машҳур тўқнашув манзараси бўлиб, иккинчиси Бобурнинг ўғли Хумоюннинг афғонлар билан курашда енгилиб Шоҳ Тахмосп (1524—1576) ҳузурига бориши билан боғлиқ чизгилардир.

Биз кўрган обидалардан яна Чаҳорбоғ мадрасаси, Хашт биҳишт саройи ҳам катта таассурот қолдирди. Айниқса, шаҳардан бироз четкада жойлашган XIV аср бошларида қурилган Жамбон минораси (Минорайи Жамбон) кишини ҳайратга солади. У киши билмас ҳаракатда, қимирлаб туради. Мазкур минора ҳаракатга келиши билан кейинчалик қурилган бошқа бир минора ҳам ва умуман ана шу меъморий комплекс ҳаракатга келаркан. Бунинг сири ҳалигача номаълум.

Исфахондаги диққатни тортувчи томонлардан яна бири шаҳарни кесиб ўтган Зояндаруд дарёси устида қурилган бир қатор тарихий кўприклардир. Масалан, Оллоҳберди кўпприги Шоҳ аббос I амалдорларидан бири Оллоҳберди маблағига қурилган. Заяндаруд дарёси устида қурилган энг узун кўприкдир. Бундан ташқари Хожу, Саодатобод, Морнон каби яна бошқа қатор кўприклар борки, ниҳоятда жозибадорлиги билан кишини ўзига жалб қилади.

Албатта, барча таассуротларни бир мақола ҳажмида ёритиш қийин. Эронда тарихий меъморчилик, бой маданий мерос намуналари сақланаётган бошқа шаҳарлар кўп. Вақти келиб у ерларга ҳам саёҳат уюштирарлар. Ва Эрон мамлакатини кенгроқ билишга эришамиз.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган
Буюртма: Г — 042.
3341 нусхада босилди
Сотувда нархи эркин
Ҳажми 2 босма табоқ
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр АҲМЕДОВ